

Илм ва вақтдаги барака



09:00 / 05.06.2022 8618

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ қаламига мансуб «Ат тибян фи адаби ҳамалатил Қуръон» китобини билмайдиган киши бўлмаса керак.

Асар Қуръони каримни ўрганиш мавзусида ёзилган энг гўзал китоблардан бири ҳисобланади. Дарвоқе, 270 саҳифалик ушбу китобни Нававий раҳматуллоҳи алайҳ ҳайратда қоладиган даражада тез ёзган. Бу асар йигирма бир кунда ёзилган.

«Ат тибян» имомнинг Аллоҳ қабулият берган ягона асари эмас. «Риёзус солиҳийн», «Ал арбаъийн ан-Нававийя» китоблари ҳам кўпчиликка таниш. Мазкур икки китоб она тилимизга таржима қилиниб китобсеварларга тортиқ қилинган.

Имом Нававий қирқ олти ёшида оламдан ўтган.

مِطْغَلِ الْضَفْلِ وَذُؤَلِّلِ الْوَأَشْيِ نَمَّهَيْتُؤِيَّ لَلْضَفْلِ ذ

«Бу Аллоҳнинг фазлидир (ва уни) хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир» (Жума сураси, 4-оят).

Умр ва илмда барака ҳосил бўлиши учун бир неча сабаблар бўлади. Уларнинг бошида ихлос, вақтни ғанимат билиш, ўтказиб юборган ишларни

бажариш, «бироздан кейин қиламан» иборасини эсдан чиқариш, Аллоҳга қаттиқ илтижо қилиш, барака тилаш, баракани кетказувчи гуноҳ ва маъсиятларда узоқ бўлиш, ҳиммати паст, бекорчи инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслик.

Аллоҳ барчамизни илмимиз ва умримизга барака берсин.

Манбалар асосида вакиллик ходими Искандарбек Зокиров

манба: muslimun.uz